



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНЦИЯ КОМПОНЕНТИ – ҚОИДАЛАР УСТИДА ИШЛАШ

Тажбенова С. С.

п.ф.ф.д. (PhD) доцент.

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти
Бошланғич таълим кафедраси*

Таянч сўзлар: компонент, қоида, мотивация, индуктив усул, дедуктив усул, аънана-вий суҳбат, догматик, репродуктив, иллюстратив, маҳсулдор, эвристик.

Ключевые слова: компонент, правило, мотивация, индуктивный метод, дедуктивный метод, традиционная беседа, догматический, репродуктивный, иллюстративный, продуктивный, эвристический.

Key words: component, rule, motivation, inductive method, deductive method, traditional conversation, dogmatic, reproductive, illustrative, productive, heuristic.

Бошланғич синфларда она тили таълими мақсадларидан келиб чиқиб ўқув дастури талаблари ҳажмида, шунингдек, уларга қўшимча равишда киритиладиган, айни пайтда оптимал миқдордаги талаффуз ва имло қоидаларини мукамал ўзлаштирган ўқувчилар нутқида хатолар камаяди. К.М.Ражабава ўринли таъкидлаганидек, “Ўқувчиларда тўғри ёзув малакасини шакллантириш грамматик назарияни ва имло қоидасини ўзлаштиришга асосланади. Имло қоидалари бир сўзнигина эмас балки умумийлик мавжуд бўлган бутун сўзлар гуруҳининг ёзилишини тартибга солади. Бу хусусияти билан у қоида хат ёзувчини ҳар бир сўзни ёдда сақлаш, хотирлашдан қутқаради ва қоидага амал қилиб, белгиланган қоидага мувофиқ, бутун сўзлар гуруҳини ёзиш имконини яратади” [1].

1-синф «Ана тілі» дарслигига ёзилган методик кўрсатмаларда [2] таълим мақсади шундай таърифланади: ““Ана тілі және оқу сауаттылығы” фанини ўқитишнинг асосий мақсади – ўқувчиларнинг сўз бойлигини, оғзаки ва ёзма нутқ тилини бойитиш, нутқ маданиятини шакллантириш, уларнинг рухий дунёсини бойитиш, ҳаётнинг энг қимматлиси, энг аси-



ли – яхшилик билан эзгулик уруғини сочиш” [3]. Муаллифлар дарслик структурасини белгилашда ана шу жиҳатларни асос қилиб олганлар. Ҳар бир мавзуга доир материалларда янги сўзлар билан таништириш ишлари амалга оширилади, матнларни ўқиш орқали оғзаки нутқ ўстирилади, имло саводхонлигини оширишга қаратилган материаллар баён қилинади. Шубҳасиз, матн устидаги ишларда миллий маданиятни, жумладан, нутқ маданиятини сингдириш кўзда тутилади. Ҳаётий масалалар билан таништириш содир бўлади.

“Ona tili fanidan milliy o‘quv dasturi”да она тили ўқув фанини ўқитиш мақсадлари қуйидагича тушунтирилган: “Она тили фани ўқувчи шахсида фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга, ўз фикрини оғзаки ҳамда ёзма шаклда нутқ шароитига мос равишда тўғри ва раво баён қила олишга қаратилган нутқий (коммуникатив) компетенцияни ривожлантириш; ўқувчида тил қурилишига оид ўзлаштириладиган амалий билимларни (фонетика (орфоэпия), лексика, сўз таркиби, морфология, синтаксис, ёзув ва имло, тиниш белгилари, нутқ услублари, стилистикага оид тушунчаларни) ривожлантириш” [4].

Оғзаки нутқ орфоэпия меъёрларига амал қилган ҳолда сўзлашув услубида тўғри талаффузга доир билим, кўникма ва малакаларни эгаллашни, ёзма нутқ қоидаларига, мактаб орфографик луғатига риоя қилган ҳолда саводли ёзув билим, кўникма ва малакаларини сингдиришни кўзда тутди. Аёнки, ушбу билимлар сирасида талаффуз ва имло қоидалари устувор ўринга эга.

«Теория и технология начального языкового образования» номли ўқув қўлланмада орфографик қоидалар мисолида таъкидланишича, ҳар қандай қоида устида олиб бориладиган ишлар тўрт босқичда ташкил этилади:

1. Қоидани ўрганишни мотивациялаш.
2. Қоиданинг моҳиятини очиш.
3. Қоидани таърифлаш устида иш олиб бориш.
4. Қоидани амалда қўллаш [5].

Мотивациялаш босқичида кузатиш учун орфограммаси бор мисоллар берилади, кузатиш жараёнида хатоларнинг бор-йўқлиги аниқланади, ўқувчилардан хатони топиш ва хатога йўл қўйилганлик сабаби таҳлил қилиш сўралади. Табиийки, улар орфограммани топиш ва таҳлил қилишда муайян қийинчиликларга дуч келадилар. Ўқитувчи шу йўл билан болаларнинг бу борада ҳали амалий билим, кўникма ва малакалари озлигига, хатони аниқлаш ва тузатиш усулидан беҳабар эканлигига тегишли қоидани билиб олиш зарурлигиша ишонч пайдо қилади.



Ўқувчилар мисоллар асосида тил бирлигининг қандай талаффуз қилиниши, қандай ёзилиши кераклигини ўз сўзлари билан тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Боланинг ўз сўзи сифатида шаклланган қоида ёд олинган қоидага нисбатан тез англанади ва узоқ муддатли хотирада сақланиб қолади. Боланинг ҳаётида бирор қоидани ўзлаштириш, ўзиники қилиб олиш тажрибаси кўп учрайди. Масалан, бола овқатнаётган пайтда унга: “Овқатни ўнг қўлда е”, – дейилади. Бу қоида унга бир неча бор эслатилади. Кичкинтой улғая борар экан, аввал укаларига, ўзидан кичикларга шу гапни айтади. Ниҳоят, улға иб, оилали бўлганда ўз фарзандларига шу гапни айтади. Шундай қилиб, “Овқатни ўнг қўлда е” деган қоида авлоддан авлодга ўтиб боради. Қоида ижтимоий аҳамият касб этади.

Она тили дарсларида қоида амалий фаолиятга яқин бир вазиятда маълум қилинса, шу вазиятда ўзлаштирилса, у болаларнинг билим захирасидан жой олади, зарур пайтда ўзининг ва ўзгаларнинг нутқини созлаш воситаси сифатида ишга туширилиши мумкин бўлган мулкка айланади.

Она тили ўқитиш назарияси ва амалиётида қоида устида ишлашда икки хил усул тавсия этилади: индуктив усул, дедуктив усул. Ўтган асрнинг 90-йилларида индуктив усул олдинги маррага олиб чиқилди: дарсликлар шу усулда тайёрлана бошланди: назарий маълумотдан олдин янги тил бирлигини кузатиш ва таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг шу йўл билан у ҳақда хулоса чиқаришларини уюштириш мақсадида мисоллар асосида тузилган машқ ва топшириқлар келтириладиган бўлди. Жараён мисолларни ўқиш, ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари асосида таҳлил қилиш ва шу ишлар пировардида болаларнинг қоидага яқин хулосаларини тинглаш ҳамда дарсликдаги қоидага ўтиш тарзида режалаштирилди. Аслида индуктив усул анъанавий суҳбат усулининг кучайтирилган шакли эди. Анъанага кўра илгаридан суҳбат усули (индуктив усул) ҳам, ўқитувчининг баёни усули (дедуктив усул) ҳам мисолларни кузатишдан бошланган.

Ўқувчиларнинг қоидани ўз сўзлари билан таърифлашлари оғзаки нутққа хос бўлса-да, дарсликда берилган назарий маълумотдаги қоидага яқинлашади. Дарсликдаги қоида китобий (илмий) услубга монанд таърифланган бўлади. Ўқувчи дарсликдаги қоидани ёд олиб ўзлаштиради, амалда қўллаш жараёнида унга икки хил мурожаат этади: 1) ё дарсликдаги қоидани ўқиб беради, ёки ёддан айтади; 2) ўз сўзлари билан айтади. Қоидани амалда қўллаш билан боғлиқ таҳлилий машқлар узоқ давр мобайнида бажариб борилади. Такрор-такрор адо этиладиган таҳлилларда бориб-бориб ўқувчиларнинг ўз сўзлари билан қоидани эшлашлари тусини касб этадики, улар учун бу усул қўлайроқ ҳисобланади. Айтмоқчимизки,



дарсликдаги қоиданинг структураси ва мазмуни устидаги ишлар дастлаб-ки кезларда моҳиятни англаш даражасида амалга оширилгани маъқул.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бошланғич синфлар даврида вақт-вақти билан ўтилган қоидаларни ёдга тушириб туриш пировардида дарсликлардаги назарий маълумотларнинг шу компонентини қандай ёзилган бўлса, шундай эслаб қолишга сабабчи бўлади. Бунга алоҳида тайёрланган қоидалар рўйхати ҳам омиллик кўрсатади.

Қоида ўқитувчининг баёни тарзида тушунтирилса, ўқувчиларнинг назарий маълумотни тинглаб тушуниш имкониятлари масаласига дуч келинади. «Теория и технология начального языкового образования» ўқув қўлланмасида таъкидланишича, ўқитувчи ушбу методни қўллар экан, куйидагиларни ҳисобга олиши керак: 11-13 яшар болалар (V-VI синфлар) материални, уни таҳлил қилишга доир кўрсатмаларни 4-5 дақиқа давомида, 14-15 яшар болалар 5-7 дақиқа мобайнида чалғимасдан идрок этадилар [6], Аёнки, бошланғич синфларда ўқувчиларнинг диққати чалғиши яна ҳам қисқароқ вақт ичида содир бўлади. Бунга назарий мушоҳадалар ўқувчиларни қизиқтирмаслиги ҳам сабаб бўлади.

Қоидани амалда қўллаш малакасини шакллантириш билан боғлиқ ишларни бир-икки дарс билан ниҳоясига етказиб бўлмайди: бу ишлар энг узоқ вақт сарфини тақозо этади. Бунинг устига қоидадан фойдаланиш малакасини лингвистик компетенция даражасида шакллантириш учун амалда қўллаш шартлари аста мураккаблаштириб борилади, ўқувчиларнинг мустақиллиги оширилади. Чунки қоида зарур бўлганда кимнингдир хатосини тузатишда, кимгадир маслаҳат беришда, ёзилган нарсанинг хато эканлигини исботлашда фойдаланиш даражасида ўзлаштирилиши керакки, лингвистик компетенциянинг шаклланишига эришиш йўлида БКМ устида ишлаш — КБни ўрганиш — компетенцияни шакллантириш формуласи шуни тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш ишларига фарқли ёндашиш талаб этилади.

Бошланғич синфлар ўқувчилари учун она тилидан бериладиган таълим мазмуни уч хил бўлади:

- 1) она тилидан эгалланадиган дастурий назарий билимлар;
- 2) дарсликларда берилишига кўра танишиладиган назарий билимлар;
- 3) матн таҳлили жараёнида танишиладиган айрим назарий билимлар бўйича бажариладиган амалларнинг онгли равишда ўзлаштирилишини таъминлаш учун қоида асосида алгоритмик йўриқлар, эсдаликлар тузган ҳолда унинг структураси ва мазмуни устида иш олиб бориш керак [7].



Ушбу назарий маълумотлар такрор-такрор қилинадиган мурожаатлар қисман бир-бирини кенгайтирган ҳолда тўлдиради. Лекин фарқли ёндашув назарий маълумотлар билан танишиш шаклларига нисбатан эмас, балки, юқорида бир неча бор таъкидлаганимиздек, билим элементларига нисбатан татбиқ этилади: яхлит назарий маълумотга эмас, балки айти қоидаларга устувор аҳамият берилади. Қоидаларни ўргатиш муносабати билан таълим босқичлари ва методларига ҳам фарқли ёндашиш зарурияти туғилади. Айрим методист олимлар билимларни амалий эгаллаш йўллари ни излаш лозим деган фикрни илгари сурмоқдалар, методларга шу нуқтаи назаридан баҳо бермоқдалар. Масалан, Д.С.Карасеванинг фикрича, таҳлил (разбор) анъанавий тарзда ўқувчиларнинг лингвистик компетенциясини шакллантиришнинг асосий амалий методи ҳисобланади [8].

Ўқувчиларнинг ўқув-билув фаоллиги ва мустақиллиги дарсдан дарсга, синфдан-синфга қараб ортиб боради. М.Н. Скаткин, И.Я. Лернерлар таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаоллик даражасини асос қилиб олган ҳолда қуйидаги методлар типологиясини ишлаб чиққанлар:

1. Догматик методлар. Ушбу методлар тил материалларини тушунса-тушунмаса ёд олишда ўз ифодасини топади. Бошланғич синфлар она тили дарсларида қоидаларни тушунмаган ҳолда ёд олиш ҳолати камдан-кам учрайдиган ҳолатдир.

2. Репродуктив методлар: материал ёд олинибгина қолмай, ўқувчлар томонидан қайта сўзлаб берилади ҳам.

3. Тушунтириш-иллюстратив методлари: материал тушунтирилади мисоллар билан иллюстрацияланади, намойиш қилинадик, улар ўқувчилар томонидан тушунилиши керак.

4. Маҳсулдор методлар: материал нафақат тушунган бўлиши, балки амалий ҳаракатларда қўлланган бўлиши ҳам керак

5. Эвристик, (қисман изланиш-қидириш) методлар: янги билимнинг айрим элементларини ўқувчининг ўзи мақсад сари йўналтирилган кузатишлар ёрдамида, ўқув-билув масалаларни ечиш, тажриба-синов ўтказиш ва бошқалар йўли билан қўлга киритади.

6. Муаммоли методлар: муаммони англай билиш ва айрим ҳолатларда уни қўя олиш, уни ечишга ҳисса қўшиш.

7. Тадқиқот методлари: билишнинг илмий ходимнинг фаолиятига яқинлашадиган энг юқори савияси, лекин шартлилик калитида субъектив-ижодий вазифаларни кўзда тутади [9].

Ушбу типологиянинг энг юқори поғонаси (5–7-методлар) материал тўплаш, уни англаб етиш, умумлаштириш: мустақил равишда янги билим



кашф этиш орқали ўқувчи фаолиятига ижодийлик унсурлари кириб келиши, ақлий ривожланиш таъминланишида намоён бўлади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, “Қоидаларни ким қўп билади?”, “Қоидалар билағони” каби ўйинлар, ноанъанавий иш усулларининг бошқа турлари дарсликда берилган қоидаларни ўзлаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Бундай иш турларидан ўқувчилар қоидаларни ўз сўзлари билан ҳам, дарсликдаги қоида билан ҳам айта бошлаган босқичда ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Хуллас, бошланғич синфлар она тили дарсларида ўқувчиларга қоидаларни ўргатиш мураккаб жараён бўлиб, ўзига хос методик тадбирлар асосида ташкил этилиши даркор.

Адабиётлар:

1. Ражабова К.М. Нуткий қўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашишнинг илмий-методик асослари (5–7-синфлар мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация. – Жиззах, 2021. – 31-б.
2. Ана тили және оқу сауаттылығы 1 әдістемелік нұсқаулық [Мәтін]: пәні үшін әдістемелік нұсқаулық / Н. Абдувалитов, М.О. Бойтураева. – Ташкент: Республикалық білім орталығы, 2021. – 128 б.
3. Ана тили және оқу сауаттылығы 1 әдістемелік нұсқаулық [Мәтін]: пәні үшін әдістемелік нұсқаулық / Н. Абдувалитов, М.О. Бойтураева. – Ташкент: Республикалық білім орталығы, 2021. – 5-б.
4. Ona tili fanidan milliy o‘quv dasturi. – Toshkent: Respublika ta’lim markazi, 2022–2023 o‘quv yili uchun. – 3-б.
5. Теория и технология начального языкового образования: учебное пособие для студентов Института педагогики и психологии детства / С.В. Плотникова, В.А. Шуритенкова; Урал.гос. пед. ун-т. – Екатеринбург, 2014. – С. 162–163.
6. Теория и технология начального языкового образования: учебное пособие для студентов Института педагогики и психологии детства / С.В. Плотникова, В.А. Шуритенкова; Урал.гос. пед. ун-т. – Екатеринбург, 2014. – С. 141.
7. Теория и технология начального языкового образования» номли ўқув қўлланмаси. 161-бет.
8. Карасева Д.С. Взаимосвязанное развитие коммуникативной и лингвистической компетенций учащихся на уроках русского языка. Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. М., 2018. – С. 13–14.
9. Методика преподавания русского языка в начальных классах: учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / М.Р. Львов, В.Г. Горецкий, О.В. Сосновская. – 3-е изд., стер. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. – С. 13–14.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бошланғич синф она тили дарсларида лингвистик компетенция компоненти – қоидалар устида ишлаш, қоида устида олиб бориладиган иш турлари ёритилиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье выделен компонент языковой компетентности - работа над правилами, виды работы над правилами на уроках родного языка в начальных классах.

SUMMARY

This article highlights a component of language competence - work on the rules, types of work on the rules in mother tongue lessons in primary school.